

- б.б) табиий офатлар рўй берганда;
- б.в) авария ҳолатларида;
- б.г) ёнгин чикқан жойларга сув узатишни кўпайтиришга зарурат туғилганда.

4.4. Таъминотчининг мажбуриятлари:

а) сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш юзасидан шартнома шартларини бажариш;

б) ичимлик сув ва канализация тармокларининг техник ҳолатини мунтазам равишида назорат қилиб бориш;

в) сув таъминоти узлуксизлигини таъминлаш (Истеъмолчи билан келишилган график асосида сув бериш ҳолатларидан ташкари);

г) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар (ПДС) талаби ва ичимлик сувдан маҳсус фойдаланиш руҳсатномаларига мувофиқ оқова сувларни тозалаш ишларини ташкил қилишини таъминлаш;

д) тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориш;

е) Истеъмолчининг коммунал сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш тизимларига уланган ичимлик сув ва канализация тармоклари, иншоотлари ҳамда қурилмаларининг ҳолатини ва улардан фойдаланишини мунтазам равишида назорат қилиб бориш, улардан самарали фойдаланишини ташкиллаштиришда Истеъмолчига амалий ёрдам кўрсатиш;

ё) Истеъмолчидаги сувнинг бехуда оқиб кетиши ва оқилона фойдаланилмаётганлик ҳолатларини аниқлаш, сув бериш ва ундан фойдаланишини катъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш;

ж) Истеъмолчига сувни ҳисобга олиш индивидуал асбобларини ўрнатиш, белгиланган тартиб ва муддатларда уларни назоратдан ўтказиб туриш;

з) коммунал ичимлик сув ва канализация тармокларида, иншоотлар ва қурилмаларда нарядсиз ҳамда Таъминотчининг хизмат гувоҳномасисиз бирор-бир иш олиб бораётган шахслар хақида ички ишлар органлари ходимларига хабар қилиш;

и) шартнома шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда Истеъмолчига пеня тўлаш;

й) Истеъмолчининг шартнома шартларига риоя этмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат қилиш;

к) ичимлик сув ва канализация тизимида рўй берган бузилишлар аниқланган кундан бошлиб бир сутка мобайнода уларнинг сабаблари, хизмат кўрсатишидаги тўхталиш муддатлари ва чекланишлар, шунингдек кўрсатилаётган хизмат сифатларининг ўзгариши сабаблари хақида Истеъмолчига ахборот бериш;

л) ичимлик сув ва канализация хизматларини кўрсатишида рўй бериши мумкин бўлган режали тўхтатиш ва узилишлар хақида Истеъмолчини узилишлар бошлангунгача 10 иш кунидан кечикмай огоҳлантириш;

м) ичимлик сувни истеъмол қилишга доир амалдаги ва янги жорий қилинган меъёрий-хуқуқий ва бошқа ҳужжатлар билан Истеъмолчини алоқа воситалари (телефон, электрон почта) орқали хабардор қилиш;

н) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари тарифларидағи ўзгаришлар хақида улар амалда жорий қилинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёки бошқа алоқа воситалари (Таъминотчининг ижтимоий тармоқдаги сахифалари, расмий сайти) ёрдамида Истеъмолчини хабардор қилиш;

о) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш.